

Республика Маънавият ва маърифат
марказининг 2023 йил

“ 11 ” сентябрдаги 41/88-сон,

Истеъдодли ёшларни қўллаб-
қувватлаш “Улуғбек”
жамгармасининг 2023 йил

“ 15 ” сентябрдаги 4/88-сон,

Ўзбекистон Бадий академиясининг
2023 йил “ 14 ” сентябрдаги

88-88-88-сонли қўшма қарорига илова

**Буюк комусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига
бағишлаб “Абу Райҳон Беруний сиймоси ёш мусаввирлар нигоҳида”
мавзусида ёш ижодкорлар танлови ўтказиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 августдаги “Буюк мутафаккир ва комусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини кенг нишонлан тўғрисида”ги ПҚ-361-сонли қарори ижроси юзасидан ёш мусаввирлар ўртасида “**Абу Райҳон Беруний сиймоси ёш мусаввирлар нигоҳида**” танлови (кейинги ўришларда – Танлов)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танлов ташкилотчилари Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамгармаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Бадий академияси ҳисобланади.

II. Танловнинг асосий мақсади ва вазифалари

2.1. Танловнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

Ўзининг ноёб асарлари ҳамда оламшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс хисса қўшган буюк мутафаккир ва комусий олим, Биринчи Ренессанс даврининг ёрқин намояндаси Абу Райҳон Беруний даҳоси, илмий-маърифий меросини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этаётган ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

2.2. Танловнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ёшлар онгида ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний кадриятларни кадрлаш, маънавий меросимизга ворислик, дахлдорлик туйғусини юксалтириш;

гача қабул қилинади. Белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этилган ижод намуналари кўриб чиқилмайди.

3.8. Танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари тегишли ҳужжатлар билан биргаликда Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содик Азимов кўчаси 35-уй манзили, Ўзбекистон Бадий академияси биноси (телефон: 71 252-30-88)да қабул қилинади.

Низомга илова қилинган ариза-анкета асосида маълумот тўлдирилиб, ҳар бир ижодий иш орқа тарафининг чап тарафига ёпиштирилади.

3.9. Ташкилий кўмита келиб тушган ишларни кўриб чиқади, иштирокчилар рўйхатини шакллантиради ҳамда номзодларнинг якуний рўйхатини тасдиқлайди.

Тасдиқланган рўйхат Ҳакамлар ҳайъатига тақдим қилинади. Танлов Ҳакамлар ҳайъати жорий йилнинг **28 ноябрга** қадар номзодлар орасидан Танлов ғолибларини аниқлайди ҳамда Танлов натижалари бўйича қарор қабул қилади.

3.10. Танлов иштирокчиларининг якуний кўргазмаси, танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимининг ўтказилиш куни ва жойи Ташкилий кўмита томонидан белгиланади ҳамда эълон қилинади.

IV. Ташкилий кўмита ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ташкилий кўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Танловни ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Танлов тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва зарурат бўлганда унга ўзгартиришлар киритиш;

Танлов бошланиши тўғрисида белгиланган муддатларда “Oyina.uz” ва Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг расмий веб-сайтида, шуниингдек, оммавий ахборот воситаларига расмий эълон бериш;

Танловнинг ўтказилиш шартлари (танловни ўтказиш коидалари, муддати, баҳолаш жараёни, мезонлари ва босқичлари)ни белгилаш;

Ҳакамлар ҳайъатининг таркиби ҳамда уларнинг раисларини тайинлаш;

Танлов катнашчиларининг ишлари мазкур Низомда кўрсатилган талаблар асосида расмийлаштирилишини назорат қилиш;

Танловни ўтказиш жараёнида Ҳакамлар ҳайъатининг таркибини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ишларини мувофиқлаштириш;

Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ташкил этиш;

Танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этиш.

Танловга топширилган ижодий ишлар муаллифларига бир ой давомида қайтариб берилади.

V. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

5.1. Танловда иштирок этаётган ижодий ишларнинг мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади:

асарнинг мазмуни танлов мавзусига мос келиши;

асарнинг мазмуни ёшларни ватанпарварлик, улар қалбида ватанга садоқат, миллий аниёна ва қадриятларга ҳурмат туйғусини мустақкамлаш, улуғ аجدодларимизнинг бебаҳо маънавий меросига бўлган эътибор, баркамол шахс этиб тарбияланган йўналтирилган бўлиши;

иштирокчиларнинг соҳадаги билим даражаси ва дунёқараши етарли бўлиши;

Танловда иштирок этаётган асарларга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқини поймол этувчи материаллар, Танлов мавзусига зид бўлган, маънавий ва ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган материаллар, ҳавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилиши таъқиқланган махсулот ва хизматлар рекламасини жойлаштириш таъқиқланади.

5.2. Ижодий ишлар (танлов иштирокчиларининг ишлари) Ҳакамлар хайъати томонидан қуйидаги асосий мезонлар бўйича баҳоланади:

мазмундорлик, асарнинг мазмуни асар мавзусига мос келиши;

рангларнинг аниқ танланганлиги ва муганосиблиги;

ижодий ишнинг композицион жойланштирилиш маҳорати;

ижодий ишдаги техника маҳорати (ранглар билан ишлаш, ёруғлик ва сояларни ишлаш маҳорати);

композициянинг ишланиш маҳорати ва унинг тугалланганлик даражаси;

ижодий ишлар бадийий гоясининг томонлабин ҳамда асар олдига қўйилган вазифаларга мослиги.

5.3. Танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари Ҳакамлар хайъати томонидан махсус ишлаб чиқилган баҳолаш варақалари ёрдамида баҳоланади.

5.4. Танловнинг асосий номинациялари голиблари ва совриндорларини аниқлаш тартиби қуйидагича:

Танлов голиблари Ҳакамлар хайъати томонидан қўйилган баҳолашга қараб аниқланади;

Танловнинг ёш тоифалари бўйича номзодларнинг якуний баллари тенг бўлиб қолганда, Ҳакамлар хайъати раиси иккита овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади ва хайъат раиси овоз берган иштирокчи голиб деб топилади.

5.5. Танловнинг асосий номинацияси голиби қуйидаги ҳолатларда аниқланмаслиги мумкин:

Ташкилий қўмитанинг қарорига мувофиқ, муайян ёш тоифалари бўйича Танловга топширилган ишларнинг ҳеч бир талабига жавоб бермаган тақдирда.

ёш авлодни ватанпарвар баркамол этиб тарбиялаш, улар калбида ватанга садокат, кадриятларга хурмат туйғусини мустахкамлаш;

улуг аждодларимизнинг бой маънавий, маърифий, маданий меросини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, бадиий етук, юкори савияли ижодий асарлар яратилишига эришиш;

ёш ижодкорларнинг тасвирий санъатга бўлган кизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

3.1. Танловда 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юртимизда истиқомат қилаётган хорижий давлат ёшлари ижодий ишлари билан иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш маъсул ташкилотчилардан иборат Ташкилий қўмита зиммасига юклатилади.

Ташкилий қўмита Ҳакамлар хайъати таркибинини шакллантиради ҳамда унинг раисини тайинлайди.

Ҳакамлар хайъати таркибига Ўзбекистон халқ рассомлари, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзолари, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзолари, таниқли ижодкорлар, шунингдек, маданият ва санъат соҳаси вакиллари киритилиши мумкин.

Ташкилий қўмита заруратдан келиб чиқиб, Танлов Низоми ва уни ўтказиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

3.3. Танловга қуйидаги мавзуларда яратилган ижодий ишлар тақдим қилинади:

Берунийнинг камолот йўли;

Беруний – китобга ошно қалб соҳиби;

Берунийнинг илмий тафаккури;

Берунийнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссаси;

Учинчи Ренессанс остонасида: Беруний издошлари

Буюк аждодларга муносиб авлод бўламыз.

3.4. Танлов 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёш ижодкорлар ўртасида ўтказилади:

3.5. Танлов ғолиблари қуйидагича белгиланади:

- Олий ўрин - 1 нафар;

1-ўрин соҳиби - 1 нафар;

2-ўрин соҳиби - 1 нафар;

3-ўрин соҳиби - 1 нафар.

3.6. Танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

3.7. Танлов учун аризалар ва ижодий ишлар 2023 йил 18 сентябр (Тошкент вақти билан 09:00 дан) дан 18 ноябр (Тошкент вақти билан 14:00)

Ташкилий кўмита кўрсатилган муддат тугагандан сўнг ижодий ишлар сақлови учун кафолат бермайди.

4.2. Ташкилий кўмита ўз фаолияти давомида куйидаги ҳуқуқларга эга:

Танловга тақдим этилган ижодий асарлар мазкур Низомда кўрсатилган талабларга жавоб бермаган тақдирда асарни Танловга тақдим этмаслик;

Танлов иштирокчиси мазкур Низомда кўрсатилган талабларни бузган ҳамда Танловнинг ўтказиш талаб ва шартларига мос келмаган тақдирда уни танловдан четлаштириш.

4.3. Ташкилий кўмита куйидаги тартибда қарор қабул қилади:

Ташкилий кўмита томонидан барча қарорлар фақат аъзоларнинг овоз бериш йўли билан ҳамда ҳал қилинаётган масаланинг муҳимлик даражасига қараб қабул қилинади.

Овоз бериш натижалари, унда Ташкилий кўмита аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ҳақиқий деб қабул қилинади.

4.4. Ташкилий кўмита Танлов жараёнида куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Танловнинг барча иштирокчилари учун тенг шарт-шароитларни яратиш;
Танловнинг очик ва ошкора тарзда ўтказилишини таъминлаш;

Танлов натижаларининг келишилган муддатдан аввал эълон қилинишига йўл қўймаслик.

4.5. Танлов иштирокчисининг ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида маълумот олиш;

Танлов ғолиби деб эълон қилинганида соврин(лар)ни ўзи ёки ишончли вакили орқали қабул қилиб олиш.

4.6. Танлов иштирокчисининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

Танловга иш топширишдан олдин Танлов Низоми билан тўлиқ таниниш;

мазкур Низомда кўрсатилган қоидаларга қатъий риоя этиш.

4.7. Танлов иштирокчиси тақдим этган кўшимча ҳужжатлардаги нотўғри маълумотлар учун жавобгар ҳисобланади.

4.8. Танлов иштирокчиси ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда Ташкилий кўмита томонидан тегишли тартибда Танловдан четлаштирилиши мумкин.

Иштирокчининг Танловдан четлаштирилганлиги тўғрисидаги хабар унинг ўқув ёки уй маъзиллига (башарти унинг ижодий ишида кўрсатилган бўлса) юборилади.

VI. Ғолибларни тақдирлаш

6.1. Танлов ғолибларини тақдирлашни ташкил этиш мақсадида Ташкилий қўмитанинг мажлиси ўтказилади ҳамда Танлов натижалари эълон қилинади. Танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

6.2. Танлов натижалари расман эълон қилингунга қадар Ҳакамлар хайъати ҳамда Ташкилий қўмита аъзолари бу ҳақдаги маълумотларни ошкор этишлари кагъбиян таъқиқланади.

6.3. Танлов натижалари ва ғолибларининг рўйхати тантанали тақдирлаш маросимидан сўнг “Oyina.uz” ва Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Бадний академиясининг расмий веб-сайтида ҳамда барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

6.4. Танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этиладиган Танлов дипломлари ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланади.

6.5. Танлов ғолиблари ва совриндорлари хомийлар томонидан (Ташкилий қўмита билан келишилган ҳолда) таъсис этилган қўшимча совринлар билан тақдирланишлари мумкин.

6.6. Танлов натижаларига кўра, Ҳакамлар хайъати истаган иштирокчини хайъатнинг махсус соврини билан тақдирлаш ҳуқуқига эга.

VII. Яқуний қондалар

7.1. Танловни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар ташкилотчиларнинг Танловга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш учун ажратилган маблағлар ҳамда хомийлар маблағлари томонидан ўрнатилган тартибда қопланади.

7.2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига хомийлик маблағларини жалб этиш мумкин.

7.3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган асарлар бўйича расмий изох ва шарҳ берилмайди.

7.4. Танлов иштирокчиларининг танловда иштирок этиш, асарларни танловга тақдим этиш ва олиб кетиш харажатлари уларнинг ўз маблағлари томонидан амалга оширилади.